



## ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ АУДИТИ БҮЙИЧА ДАЛИЛЛАР ТҮПЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Шеримбетов Иномжон Халилуллаевич,**

"Аудит" кафедраси катта ўқитувчиси, Тошкент молия институту

Email: [inom23@gmail.com](mailto:inom23@gmail.com)

ORCID:0000-0001-6704-6853

## IMPROVING THE PROCESS OF GATHERING EVIDENCE FOR THE AUDIT OF EQUITY BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS

**Sherimbetov Inomjon Khalilullayevich,**

Senior lecturer of "Audit" department, Tashkent Institute of Finance

Email: [inom23@gmail.com](mailto:inom23@gmail.com)

ORCID:0000-0001-6704-6853

### JEL Classification: M1, M4, M42

**Аннотация.** Мамлакатимизда аудитнинг халқаро стандартини жорий этилиши, аудиторлар томонидан мажбурий тартибда уларда белгиланган талабларга риоя этилишини талаб этади. Хусусий капитал, тадбиркорлик субъекти таъсисчиларининг унинг активларидағы улусини күрсатади ҳамда унинг самарадорлигини аниқлаши орқали фаолиятнинг муваффақиятли олиб борилаётганлигига баҳо бериш мумкин. Шундай экан, хусусий капитал ва ундаги ўзгаришларни бухгалтерия ҳисобида түғри акс эттирилганлигини тасдиқлашда аудиторлик текшируванинг ўрни бекиёсdir. Ушбу мақолада халқаро стандартлар асосида хусусий капитал аудитида далиллар түпласида қўлланиладиган аудиторлик амаллар тавсифи, турлари ҳамда ҳужжатлаштириши тартиби баён этилган.

**Abstract.** Implementation of the international standard on auditing in our country requires auditors to comply with the requirements set by them. The equity shows the share of founders of an economic entity in its assets, and determining its effectiveness, it is possible to assess the success of the activity. Therefore, the role of audit in confirming the correctness of accounting of

equity and changes in it is relevant. This article describes the procedures, types and documentation used to collect evidence in an equity audit based on international standards.

**Калим сўзлар:** аудит амаллари, мөхияти бўйича текширув, таҳлилий амаллар, назорат воситаларини тесслиши, ички назорат тизими, аудит ишчи ҳужжатлари.

**Key words:** audit procedures, substantive testing, analytical procedures, testing of controls, internal control system, audit working papers.

**Кириш.** Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган ташкилотлар рўйхати келтирилган. Мазкур ташкилотларда аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида ўтказиладиган аудиторлик текшируви уларнинг молиявий ҳисобидаги ахборотларни ишончли тақдим этилганлиги ва баён этилганлигининг кафолатидир. Мазкур жараёнда аудиторнинг фикрини асословчи далиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Хусусан, молиявий ҳисобот ўзида жуда катта ҳажмдаги ахборотларни мужассамлаштирган бўлиб, улардан фойдаланган ҳолда инвесторлар



ташкilot фаолиятига оид аҳамиятли қарорлар қабул қилиши учун ушбу ахборотлар түлиқ ва ишончли бўлиши мухим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, молиявий ҳолат тўғрисида ташкilot томонидан қилинадиган хар қандай баёнот ташқи далиллар билан ёхуд ташкilot тақдим этган ахборотларининг қонунийлиги аудиторнинг мустақил таҳлили билан тасдиқланиши лозим. Аудиторлик далиллари аудит амаллари ёрдамида тўпланади. Аудит амалларининг моҳияти рискларни баҳолаш ва баҳолангандар рискларга нисбатан жавоб ҳаракатларини белгилаш ҳамда мухим бузуб кўрсатишларни аниқлашга қаратилган тадбирларни ўз ичига олади.

Халқаро стандартларда аудиторлик далиллари етарли ва мос бўлиши ҳамда тўпланган далилларни хужжатлаштириш талаби белгиланган. Шундан келиб чиқсан ҳолда мазкур мақолада хусусий капитал аудитида аудитор томонидан даллилар тўплашда қўлланиладиган аудит амаллари ва уларнинг моҳияти ҳамда хужжатлаштириш тартиби тўғрисида фикр юритамиз.

**Материал ва метод.** Аудиторлик далиллари ва аудит амаллари тўғрисида маҳаллий ва чет эл олимлари фикрларини ўрганадиган бўлсак, И.Н.Қўзиев «Аудиторлик далили тушунчаси аудит ўтказиш жараёнида тўпланадиган бухгалтерия ахборотидаги маълумотлар ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан ташқари олинган ахборотлар, молиявий ҳисботни тузиш учун асос бўлган далиллар аниқ ёки ноаниқликлар ёки фактларни нотўғри талқин қилишни билдиради, улар асосида аудитор томонидан қабул қилинадиган мулоҳаза ўзгариши мумкинлиги ёки унга ноаниқ ёки нотўғри фактлар таъсир қилиши эҳтимолини келтириб чиқаради» [1], деган хulosaga келган.

А.З.Авлоқулов «аудиторлик далилларининг энг кенг тарқалган ва ишончли усули сифатида таҳлилий амаллар» эканлигини таъкидлаб ўтган [2].

Стефан Зука «Аудиторлик далиллари ва уларни хужжатлаштириш натижасида олинган хулоса ундан фойдаланувчиларнинг рискларини тушуниш имконитяини осонлаштириш имкони беради», деган хулосага келган [3].

Ясухиро Охта «аудит рискини аудиторлик далилларини ўзаро бағлиқликда ўрганиб, аудитолик рискларининг юқорилиги аудиторлик текширувида кўпроқ далиллар тўплаш лозимлиги»ни таъкидлаб ўтган [4].

Робертсон Ж. «аудит далиллари - бу аудиторнинг маълумот олишдаги ҳаракатларини белгилайдиган, яъни, аудиторларнинг фикрига таъсир қиладиган ва уларнинг қарорларини аниқлайдиган маълумотдир», деган хулосага келган [5].

Бир гурӯҳ иқтисодчи олимлар “хусусий капитал аудитида қимматли қофозлар нархининг ўзгарувчанлигига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Чунки, ракамли иқтисодиёт шароитида ахборотлар оқимининг тезлашуви компаниялар акциялари нархининг ўзгарувчанлигига сезиларли таъсир кўрсатади”, деган хулосага келишган [6].

**Натижалар.** Таъкидлаш лозимки, аудитор хусусий капитал компонентларининг ишончлигини тасдиқлаш жараёнида бир қатор аудит амалларини бажаради. Аудит амаллари аудитор томонидан бажариладиган тартиб-таомилларни ўз ичига олиб, улар аудит мақсади ва вазифалари аниқлаб олингандан сўнг аудиторлик текширувини режалаштириш босқичида белгиланади.

Хусусий капитал аудитини режалаштириш босқичида хўжалик юритувчи субъект фаолиятига доир рискларни аниқлаши, дастлабки баҳолаш ва шунга мувофиқ аудитнинг умумий режасини тузиши лозим. Аудит умумий режаси аудиторлик текширувини

самарали ўтказилишига хизмат қилиб, унда аудит ўтказиш кетма-кетлиги ҳамда далиллар түплашда күлланиладиган аудит амаллари белгиланади.

Демак, аудитор хусусий капитал аудитида далиллар түплаш жараёнида моҳияти бўйича текширув ёки назорат воситаларини тестлаш амаларидан ёхуд уларни иккаласидан ҳам бир вақтда фойдаланиши мумкин (1-расм).

Аудитнинг халқаро стандартларида аудит объектларига нисбатан қайси амаллар кўлланилиши лозимлиги тўғрисида аниқ тартиб белгиланмаган. Бизнинг фикримизча, аудит объектларига нисбатан кўлланиладиган амаллар аудиторнинг професионал мулоҳазасига, шунингдек текширилаётган субъект фаолиятидаги бизнес жараёнларининг мураккаблик даражасига боғлиқдир.



**1-расм. Аудиторлик текшируvida далиллар тўплаш жараёнида қўлланиладиган амаллар<sup>1</sup>**

Назорат воситаларини тестлаш, асосан, ички назорат тизимини баҳолаш орқали амалга оширилади. Халқаро стандартларга биноан, «Ички назорат тизими – ишончли молиявий ҳисботларни тайёрлаш, фаолият самарадорлиги ва натижавийлиги ҳамда амалдаги қонунлар ва меъерий хужжатларга риоя қилиш бўйича ташкилот мақсадларига эришиш борасида оқилона ишончни таъминлаш учун корпоратив бошқарув учун жавобгар бўлган шахслар, раҳбарият ва ташкилотнинг бошқа ходимлари томонидан ишлаб чиқилган, амалга ошириладиган ва қўллаб-куватланадиган жараёнлар»[7].

Моҳияти бўйича текшируv амаллари молиявий ҳисботни тайёрлаш ва тақдим этиш даражасида муҳим бузиб кўрсатишларни аниqlаш билан боғлиқ ишлаб чиқилган аудит амаларини ўз ичига олади. Моҳияти бўйича аудит амаллари, операцияларнинг туркумлари,

счўтлардаги қолдиқлар ҳамда ёритиб берилиши лозим бўлган маълумотларни батафсил тестлаш ва таҳлилий амалларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Демак, моҳияти бўйича текшируv амаллари аудитор томонидан ички назорат тизимининг самарадорлиги паст деб баҳолангандা, аниqlanmaslik riski daражасини камайтириш мақсадида, активлар ва мажбуриятларнинг мавжудлиги, тўлиқлиги, уларга бўлган хуқуқ ва мажбуриятларни, баҳоланиши ҳамда таснифланиши ва ёритиб берилишига оид тасдиқларни тўплашга қаратилади.

Таҳлилий амаллар молиявий ва номолиявий маълумотлар ўртасидаги эҳтимолий муносабатларни таҳлил қилиш орқали молиявий маълумотларни баҳолашдир. Таҳлилий амаллар, шунингдек, бошқа мавжуд маълумотларга мос келмайдиган ёки кутилаётган натижалардан аҳамиятли даражада фарқ қиласидиган аниqlanlangan оғишлиар ёки

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси



нисбатларни ўрганишни ўз ичига олади. Содда қилиб ифода этадиган бўлсак, аудиторлар томонидан молиявий ҳисоботнинг ишончлигини текшириш ва фикр шакллантириш учун ўтган ҳисобот йил кўрсаткичлари асосида текширув ҳамда тестлашни ўтказади. Мисол учун аудитор битта ташкилотнинг турли молия йилидаги молиявий ҳисобот тўплами кўрсаткичларини солиштириши, баъзан эса тармоқ хусусияти ва фаолияти бир хил бўлган турли ташкилотлар молиявий ҳисоботлари тўпламини таққослаш оркали етарли далилларни тўплаши мумкин.

Бизнинг фикримизча, таҳлилий амаллар аудиторлик далилларини олишда аудиторлик ташкилоти учун катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлашда меҳнат ҳамда вақт сарфини кам талаб қиласидан ва ишончли далил тўплашга имкон берадиган амаллар ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви жараёнида молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш ўрнатилган қонунчилик ҳамда ички хужжатларга мувофиқлиги тўғрисида раҳбариятнинг баёноти мухим ҳисобланади. Аудитор ушбу баёнотга мувофиқ, молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун белгиланган концепцияга мослиги тўғрисидаги тасдиқларга таяниши лозим. Тасдиқлар кўлланиладиган аудит амалларининг мақсадини аниқлаш имконини беради. Соддороқ қилиб талқин қиласидан бўлсак, тасдиқлар аудит жараёнида молиявий ҳисобот ишончли ва ҳаққоний тақдим этилганлигини белгилайди. Молиявий

ҳисоботда қайси молиявий ахборотлар мухим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигини аниқлаш мураккаб жараёндир. Шунинг учун қайси ахборотлар ишончли ва қай бири бузиб кўрсатилганлиги баҳолаш мухим аҳамият касб этади.

“Мухим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш” номли 315-сон аудитнинг халқаро стандартига мувофиқ тасдиқлар – раҳбариятнинг молиявий ҳисоботдаги маълумотларни тан олиш, баҳолаш, тақдим этиш, ёритиб бериш тўғрисидаги баёноти ва молиявий ҳисоботлар амалдаги молиявий ҳисоботни тайёрлаш концепциясига мувофиқ тузилганлигини кўрсатади [8]. Таъкидлаш лозимки, тасдиқлар мухим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш, баҳолаш ҳамда уларга нисбатан жавоб ҳаракатлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган турли тоифадаги бузиб кўрсатишларни кўриб чикиш учун зарур бўлади.

Моҳияти бўйича текширувда молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича тасдиқларни қуидаги уч гурухга ажратиш мумкин (1-жадвал):

1. Аудит қилинаётган давр учун операция ва ходисаларнинг таснифи;
2. Ҳисобот йили охирига счёtlардаги қолдиқлар;
3. Тақдим этиш ва баён қилиш.

Ушбу гурухлар бўйича аудитор томонидан бажариладиган ҳаракатларни қуидаги жадвалда келтириб изоҳлаб ўтамиш.

#### 1-жадвал

#### Молиявий ҳисоботнинг шаклланиши ва аудиторлик далиллари бўйича тасдиқлар<sup>2</sup>

Операция ва ходисаларнинг таснифига доир тасдиқлар		Ҳисобот йили охирига счёtlардаги қолдиқларга доир тасдиқлар		Тақдим этиш ва баён қилишга доир тасдиқлар	
Юзага келиши	Бухгалтерия хисобида қайд этилган	Мавжудлик	Активлар, мажбуриятлар, ва хусусий	Юзага келиши ва хуқуқ ҳамда мажбуриятлар	Баён қилинган ходисалар,

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмаси

	операциялар ва ходисалар ҳақиқатда содир бўлган ва улар ташкилотга тегишли		капиталда иштирок этиш улушлари ҳақиқатда мавжуд		операциялар ва бошқа масалалар содир бўлган ва ташкилотга тегишли
<b>Тўлиқлик</b>	Барча операция ва ходисалар қайд этилган хужжатларда ва қайд этилиши лозим бўлган операция ва ходисалар қолиб кетмаган	<b>Тўлиқлик</b>	Активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталда иштирок этиш улушлари хисобда акс эттирилган	<b>Тўлиқлик</b>	Молиявий хисботга киритилиши керак бўлган барча маълумотлар киритилган ва ўрнатилган тартибда баён этилган
<b>Аниқлик</b>	Барча операциялар ва ходисалар кийматда (баҳоларда) тўғри қайд этилган.	<b>Хукуқ ва мажбуриятлар</b>	Ташкилотда активларга бўлган хукуқ мавжуд ёки уларни назорат қиласи, мажбуриятлар эса ташкилотда қонуний равишда юзага келган	<b>Таснифлаш ва тушунарлилик</b>	Молиявий маълумотлар тўғри тақдим этилган ва тавсифланган ҳамда баён қилинган маълумотлар тушунарли ифодаланган.
<b>Ўз вактидалик</b>	Операциялар ва ходисалар содир бўлган хисбот даврида қайд этилган	<b>Баҳолаш</b>	Активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталдаги улушлар тегишли қийматларда молиявий хисботда акс эттирилга ва улар бўйича тузатишлар	<b>Аниқлик ва баҳолаш</b>	Молиявий ва бошқа маълумотлар ҳаққоний ва тегишли қийматларда баён қилинган
<b>Таснифлаш</b>	Операция ва ходисалар тегишли хисоб ёзувларида қайд этилган.				

			ўрнатилган тартибда қайд этилган		
--	--	--	--	--	--

Аудитор аудит жараёнида мазкур тасдиқларга асосланиб далиллар

белгилашда улкан аҳамият касб этади.  
Аудит амалларининг тавсифи уларнинг

### Аудит амалларининг турлари



тўплайди. Ушбу тасдиқларга мувофиқ далиллар тўплашда аудитор бир қатор амаллардан фойдаланади. Аудит амалларининг тавсифи баҳолангандан рискларга нисбатан жавоб харакатларини

мақсадига (назорат воситаларини тестлаш ёки моҳияти бўйича амаллар) ҳамда уларнинг турларига ҳам тааллуклидир. Аудит амалларининг турлари қуидаги 2-расмда келтирилган.

### 2-расм. Аудиторлик далилларини тўплашда қўлланиладиган аудит амаллари<sup>3</sup>

<sup>3</sup> Муаллиф ишланмаси

Аудитор хусусий капитал билан боғлиқ ходисалар, счетлардаги қолдиқлар, тақдим этиш ва ёритиб беришга доир етарли ва мос далиллар түплашда ўзининг профессионал муроҳазасидан келиб чиқсан ҳолда аудит амалларидан фойдаланади. Аудитор ушбу амаллардан фойдаланиши молиявий ҳисоботда хусусий капитал элементлари ишончли акс эттирилганлиги түғрисидаги фикрга келиш имконини яратиши лозим. Шунингдек, аудитор халқаро стандартлар талабларига доир ишчи хужжатларда далилларни түплаш билан боғлиқ амаллар

хужжатлаштириб бориши лозим. Аудит ишчи хужжатлари шакли ҳар бир аудиторлик ташкилоти томонидан мустақил ишлаб чиқилиши мумкин, яунки ишчи хужжатларнинг намунавий шакллари аудитнинг халқаро стандартлари келтириб ўтилмаган. Қуйида биз хусусий капитал аудитида раҳбарият томонидан билдирилган тасдиқларни аудит амаллари асосида тешириш, натижаларни акс эттириш бўйича ишчи хужжат шаклини таклиф этамиз (2-жадвал).

2-жадвал

#### **Аудиторлик текшируvida моҳияти бўйича амалларни қўллашни режалаштириш<sup>4</sup>**

Хужжат номи: *Моҳияти бўйича амаллар қайдномаси*

Аудит қилинаётган ташкилот номи: *"АБС" акциядорлик жамияти*

Аудит қилинаётган давр: *01.01.2022й. – 31.12.2022й.*

Текширилаётган ҳисоб обьекти: *Хусусий капитал*

/ / 2023 й.

Тасдиқлар	Юзага келиши/ мавжудлиги	Аниқлик/ баҳолаш	Тўлиқлик	Таснифлаш	Ўз вақтидалик /хукуқлар ва мажбуриятлар	Тақдим этиш ва ёритиб бериш
Аудит амаллари турлари						
Кузатиш						
Сўров						
Тасдиқлаш						
Назорат						
Таҳлилий амаллар						
Қайта ҳисоблаш						
Қайта текшириш						

Аудитор

Каримов Ж.

Аудит гуруҳи раҳбари

Салимов Т.

Сана

<sup>4</sup> Муаллиф ишланмаси



Аудитор ушбу ишчи хужжат асосида хусусий капитал аудити бўйича далиллар тўплаш жараёнида қўлланиладиган аудит амалларини турларини белгилаб олиши, аудиторлик ҳисботида бажарилган амаллар асосида далилларнинг баҳолаши мумкин. Демак, ишчи хужжатга мувофиқ аудитор хусусий капитал ҳисоби бўйича асосан сўров,

**Хулоса.** Аудит амалларини қўллаш аудиторнинг профессионал муроҳазасидан келиб чиқади, бироқ ушбу амалларнинг қўлланилиши хар доим ҳам обьект ҳақида ишончли фикр чиқаришга имкон бермаслиги мумкин. Аудиторлик амалларини қўллашнинг афзаликлари сифатида молиявий ҳисбот бўйича ишончли фикр шакллантиришда етарли ва мос далилларни тўплаш, аудиторлик текшируви вақтида меҳнат ва вақт сарфини камайтириш, кўпроқ ўрганилиши лозим бўлган обьектларни ва уларга нисбатан амалларни тўғри белгилаш имконини яратади.

Аудиторлик амалларини қўллашдаги камчиликлар сифатида куйидагиларни санаб ўтишни маъқул деб ҳисблаймиз. Яъни аудитор томонидан турли аудит амалларни қўлланилишидан қаттий назар хатоликка йўл қўйиши оқибатида нотўғри фикрга келиши, бухгалтерия ҳисбода аниқ акс эттириш бўйича кўрсатмаларнинг мавжуд эмаслиги натижасида текширилаётган субъект раҳбарияти ва ижро органи

назоратлаш, тасдиқлаш, таҳлилий амаллар ҳамда қайта ҳисоблаш каби амалларни қўллашни режалаштирилиши мумкин. Мазкур амаллар аудиторга хусусий капитал компонентлари молиявий ҳисботда ишончли акс эттирилганилиги, ёки аксинча эканлилиги тўғрисида оқилона ишонч билан фикр билдириш имконини яратади. ходимлари ҳамда аудиторлар томонидан турли талқин қилиниши ҳолатлари, фирибгарлик омили.

Алоҳида қайд этиш лозимки, хусусий капитал аудитида аудиторлар томонидан етарли ва мос далилларни тўплашда қўлланиладиган аудит амаллари тадбиркорлик субъектининг бизнес мухити ва бизнес моделларидан келиб чиқкан ҳолда танланиши лозим. Тадбиркорлик субъекти молиявий хўжалик фаолияти натижаларини автоматлаштирилган тизимлар асосида қайд этилишини инобатга олиб, аудиторлар мазкур тизим мухитини етарли англаган ҳолда аудит амалларини режалаштириши ва тегишли тартибда ҳужжатлаштирилиши лозим. Тизим мухитини тушунмасдан ўтказилган аудиторлик текшируви нотўғри аудиторлик хулосасини шакллантиришга олиб келади. Бундай ҳолатлар, албатта, акциядор, мулк эгалари ва бошقا шахсларнинг манфаатига путур етказиши тайин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қўзиев И.Н., Аудиторлик текширувлари натижалари бўйича аудиторлик ҳисботлари ва хулосаларини тузиш масалалари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015 йил.
2. Авлоқулов А. З., "Аудитнинг халқаро стандартлари асосида таҳлилий амалларни қўллашни такомиллаштириш", Иқтисодиёт ва таълим / 2020 № 6, 234-б.
3. Stefan Zuca, Audit Evidence – Necessity to Qualify a Pertinent Opinion, Volume 20, 2015, Pages 700-704



4. Yasuhiro Ohta, The role of audit evidence in a strategic audit, Journal of Accounting and Public Policy, Volume 28, Issue 1, January–February 2009, Pages 58-67
5. Робертсон Дж. Аудит / Дж. Робертсон. – М.: KPMG, Аудиторская фирма «Контакт», 1993. – 496 с
6. Ahsan Habib, Md. Borhan Uddin Bhuiyan, Julia Wu. Audit committee ownership and the cost of equity capital. //Managerial Auditing Journal · February 2021
8. International standard on auditing 315 “Identifying and Assessing the Risks Of Material Misstatement” <https://www.ifac.org/system/files/publications/files/IAASB-2021-Handbook-Volume-1.pdf>
9. International standard on auditing 315 “Identifying and Assessing the Risks Of Material Misstatement” <https://www.ifac.org/system/files/publications/files/IAASB-2021-Handbook-Volume-1.pdf>